

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЧЕТ ТИЛЛАР КАФЕДРАСИ

ФАРОҒАТ МУХАММЕДОВА



НЕМИС ТИЛИ
ФАНИДАН

ЎҚУВ - УСЛУБИЙ

МАЖМУА

ГУЛИСТОН- 2011

Ф.Мухаммедова. “Немис тили” фанидан ўқув-услугий мажмуа. – Гулистон, 2010. -106 б.

Ўқув-услугий мажмуа университетнинг I–босқич барча таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда “Немис тили” фани предмети, ўқитишнинг мақсад ва вазифаларига доир маълумотлар келтирилган.

Ўқув-услугий қўлланма 7 та модулдан иборат бўлиб, ҳар бир модул грамматик ва лексик материалларни ўз ичига олади. Ёзма ва оғзаки нутқни ўстириш учун алоҳида мавзулар берилган. Ҳар бир мавзу бошида фанни ўқитиш технологияси, мавзу охирида эса мустақил иш топшириқлари келтирилган.

Ўқув – методик мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-услугий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаши томонидан (10 октябр 2007 йил, 1-баённома) нашрга тавсия қилинган.

Масъул муҳаррир: филология фанлари номзоди, доцент А. Қўлдошев
Такризчилар: филология фанлари номзоди, доцент Я. Эгамова,
катта ўқитувчи Д.Бўтаева

Ф.Мухаммедова. Учебно-методический комплекс по курсу «Немецкого языка». – Гулистан, 2011. – 106 с.

В учебно-методическом комплексе приведены материалы о предмете, цели и задачи учебного курса немецкого языка.

Учебно-методический комплекс состоит из 7 модулей, каждый из них включает грамматические и лексические материалы, в нем основное внимание направлено на развитие письменной и устной речи студентов.

Учебно-методический комплекс предназначен для студентов, аспирантов и для тех, кто заинтересован в изучение немецкого языка.

F.Muchammedova. Training aid on the course of German language.
- Gulistan, 2010. - 106 p.

In the Training aid on the course of German language worked out materials about the subject, the purposes and the problems of a training course of German language

The Training aid consists of 7 modules, each of them includes grammatical and lexical materials, in it the basic attention is directed to the development of written and oral speech of students.

The Training aid is intended for students, post-graduate students and for those who is interested in studying of German language.

МУНДАРИЖА

Уқтириш хати.....	3
Модул - 1.....	6
Модул - 2.....	18
Модул - 3.....	34
Модул - 4.....	45
Модул - 5.....	56
Модул - 6.....	68
Модул - 7.....	81
Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.....	93
Мутолаа учун қўшимча матнлар.....	97
Адабиётлар рўйхати.....	105

УҚТИРИШ ХАТИ

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонунлари баркамол авлод тарбиясида муҳим рол ўйнамоқда. Рақобатбардош, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи фозил инсонларни тарбиялаш ва тайёрлаш вазифалари қонунларда белгилангандир. Унинг ҳар бир босқичи аниқ вазифаларни бажаришга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма намунавий дастур сифатида олий ўқув юртлари илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиумининг 2004 йил 15 февралдаги 33-сонли мажлис қарори билан тавсия этилган ҳамда ("Хорижий тиллар" фанларидан намунавий дастур (нофилологик бакалавр йўналиши учун) Тошкент, 2004) намунавий ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг маърузаларида билдирилган фикрлар, ОЎМТВнинг "Таълим муассасалари битирувчиларининг инглиз тилини билишлари ... бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури" ижросини таъминлаш тўғрисида"ги 19.01.2011 №21-сонли буйруғида қабул қилинган қарорлар асос қилиб олинди.

Мутахассисларнинг хорижий ҳамкасблар билан мулоқотга киришишлари мумкинлигини эътиборга олиб, уларга танланган мутахассисликлари доирасида хорижий тиллар бўйича етарли билим ва кўникмалар ҳосил қилиш, немис тилини ўрганиш жараёнида мамлакатимиз ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг географияси, тарихи, адабиёти ва бошқалари ҳақидаги маълумотларни таққослаб ўрганишлари назарда тутилади.

Шунингдек, бўлажак мутахассисларни чет тилларини ўзларининг келажак касбий фаолиятида оғзаки ва ёзма мулоқот сифатида фойдалана олиши, уларни махсус мавзулар бўйича хорижий тилда мулоқотга киришишга ўргатиш эътиборга олинади.

Грамматик ва лексик материални тушунтириш ҳамда мустаҳкамлаш учун ҳар хил турдаги топшириқлардан фойдаланилади. Шунингдек, ҳар бир дарс гуруҳ бўлиб, яқка тартибда ёки иккитадан бўлиб ишлаш, мустақил ишларни текшириш, техник воситалардан кенг фойдаланишни назарда тутлади.

Ўқув-услубий қўлланма 7 та модулни ўз ичига олади. Ҳар бир модул тематик даврдан иборат, уларга лексик-грамматик саволлар туркуми, оғзаки нутқни ўстириш учун эса алоҳида мавзулар берилган бўлиб, топшириқлар грамматик ва лексик материалларни мустаҳкамлаш ҳамда оғзаки нутқни ўстириш учун муҳим омил ҳисобланади.

Манзилими: 707012. Гулистон шаҳри, IV мавзе, Университет, "Чет тили" (факультетлараро) кафедраси.

“НЕМИС ТИЛИ” ФАНИДАН РЕЙТИНГ ИШЛАНМАСИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

1.1. Рейтинг ишланмаси

№	Назорат турлари	Назорат сони	Ажратилган балл	Жами
ЖБ	Атамашунослик	3	3	9
	Уй вазифаси (Машқлар)	3	3	9
	Мавзу (Топик)	4	2	8
	Мустақил иш	2	12	24
50				
ОБ	Ёзма иш	1	20	20
20				
ЯБ	Ёзма	1	30	30
				100

1.2. Баҳолаш мезони

55-70 = ”3”

Саралаш балл: 39

71-85 = “4”

Максимал балл: 100

86-100 = “5”

1.2. Баҳолаш мезони

2.1. Берилган сўз ва бирикмаларнинг ёзилиши, таржимаси, уларни оғзаки ҳамда ёзма нутқда қўллай олишига-3 балл;

-сўз ва бирикмаларни оғзаки ҳамда ёзма нутқда қўллаб, ёзилиши ва таржимасида имло ва услубий хатоларга йўл қўйилса-2 балл;

-сўз ва бирикмаларнинг талаффуз қилиниши, таржимаси ва ёзилиши, оғзаки ва ёзма нутқда қўллашда камчиликларга йўл қўйилса-1 балл билан баҳоланади.

2.2. Уйга берилган машқларни имло хатоларсиз, грамматик қоидаларга риоя қилган ҳолда бажарса, амалга оширилган ишларни тушунтира олса, улар мукамал ижро этилган бўлса-3 балл;

-машқларни бажаришда жузъий камчиликларга йўл қўйилиб, грамматик манбаларни тушунтиришда иккиланишлар содир бўлса, яъни ўзининг фикрида собит турмаса-2 балл;

-машқларни ёзишда эътиборсизлик қилиб, имловий ва услубий хатоларга йўл қўйиб, ёзганларини тушунтиришда камчиликларга йўл қўйса-1 балл қўйилади.

2.3. Берилган матнларни равон, тугилмасдан, ифодали айтиб, таянч сўз ва бирикмаларнинг барчасини қўллаб, саволларга ижобий жавоб берса-2 балл;

-матнларни сўзлашда жузъий камчиликларга йўл қўйилса, янги сўз ва сўз бирикмаларининг маълум қисминигина ишлата олмаса-1 балл;

-матнларни гапиришда кўпол хатоларга йўл қўйиб, таянч сўз ва ибораларнинг ярмидан кўп қисмини нутқда қўлламаसा ҳамда талаффузда хатолар қилса-0,5 балл қўйилади.

2.4. ТМИлари учун танланган қўшимча адабиёт, ЭЎА, Интернет тармоғи, даврий матбуот ва бошқа ахборот манбаларининг мураккаблик даражаси, улар асосида амалга оширилган ишлар (Берилган матннинг режасини тузиш, таянч сўз ва гапларни кўчириб ёзиш, матннинг айрим қисмларини ҳикоя қилиш, ифодали ўқиш, таржима қилиш, ўқилганлар юзасидан суҳбат ўтказишга тайёр бўлиш ва б.к.), машқлар бажариш, суҳбат ёки мунозара ташкил қилса-3 баллдан 4 баллгача;

-юқорида қайд этилганларнинг барчасини тўлиқ бажариб, уларни оғзаки нутқда баён қилишда камчиликларга йўл қўйиб, имловий ва услубий хатоларга йўл қўйса-2 баллдан 3 баллгача;

-ТМИлар учун берилган топшириқларни ёзма бажариб, оғзаки нутқда ўз фикрини баён қилишда қийналса ёки жавоб бера олмаса-0,5 баллдан 1 баллгача қўйилади.

2.5. Ўтилганлар асосида ёзма иш учун берилган тест топшириқлари, грамматик материаллар, хорижий ёки она тилларига таржима учун сўз бирикма ёки гаплар, матнлар таржималари мукамал бажарилиб, камчиликларсиз амалга оширилса-15 баллдан 20 баллгача;

-ёзма иш учун берилган топшириқлар бажарилиб, имловий ҳамда услубий хатоларга йўл қўйилса-10 баллдан 15 баллгача;

-топшириқларнинг ярмиси бажарилиб, ғализ жумлалар ҳамда хатолар етарлича бўлса-5 баллдан 10 баллгача қўйилади.

2.6. Якуний баҳолашнинг ёзма иши 3 та топшириқдан иборат бўлиб, ҳар бири учун 10 баллдан ажратилган. Агар талаба учала топшириққа мукамал жавоб ёзган бўлса-25 баллдан 30 баллгача;

-учала берилган топшириққа талаба тўлиқ жавоб бериб, унда имловий, услубий хатолар мавжуд бўлиб, вазифалар тўлиқ ёритилган бўлса-16 баллдан 24 баллгача;

-берилган топшириқларнинг 50%и бажарилиб, камчиликлар етарли даражада бўлса, бундай назорат ишларига 9 баллдан 15 баллгача қўйилади ва талабанинг фанни паст даражада ўзлаштирганлиги қайд этилади.

1- КУРС

“Немис тили” курсининг мазмуни

I- Семестр

№	Дарс	Бажариладиган ишлар мазмуни	Мустақил иш	Соат	Вақт
1	Stunde 1	Алфавит. Унли ва ундош ҳарфларининг ўқилиши. Бўғин.	1-3, 1-7 машқлар	2	
2	Stunde 2	Сўз урғуси. Ch-(Ach-Laut) ва Ch(Ich-Laut) нинг ўқилиши. Umlaut.	1-6 машқлар	2	
3	Stunde 3	Тўғри ва тескари сўз тартибли дарак гаплар. Аффрикатлар. Suffix-ig.	4-5, 1-6 машқлар	2	
4	Stunde 4	Сўроқ гап. Дифтонглар. Ph, qu, y, th, tion ҳарфлар бирикмасининг ўқилиши.	1-6 машқлар	2	
		А с о с и й к у р с			
5	Stunde 1	1. Der Artikel. 2. Deklination des Artikels. 3. Text: Die Stunde 4. Neue Vokabeln.	Ub. 1-7 Text: Unsere Familie Ub. 1-5	2 2 2	
6	Stunde 2	1. Text: Eine Stunde. 2. Neue Vokabeln 3. Das Prasens. 4. Prasens der schwachen Verben 5. Mein Lebenslauf.	Ub. 1-7 Ub 1-3 Mein Lebenslauf	2 2 2	
7	Stunde 3	1. Prasens der starken Verben. 2. Text: Das Studium 3. Neue Vokabeln. 4. Der Gebrauch der Verben “haben” und “sein” im Prasens. 5. Die Kontrollarbeit	Ub 1-6 Mein Arbeitstag Ub 1-4 Ub 1-4	2 2 2	
8	Stunde 4	1. Text: Der Deutschunterricht. 2. Neue Vokabeln. 3. Pluralbildung der Substantive. 4. Text: Die Bibliothek.	Dialog Ub 7-10 Die Wohnung	2 2 2	

II- Семестр

№	Дарс	Бажариладиган ишлар мазмун	Мустақил иш	Соат	Вақт
1	Stunde 1	1.Die Verben mit trennbaren und untrennbaren Präfixen. 2.Die Pluralbildung der Substantive 3.Text: Die Bibliothek 4.Neue Vokabeln	Üb 1-6 Dialog “In der Bibliothek” Ub 3-6	2 2 2	
2	Stunde 2	1.Die Deklination der Substantive. 2.Die starke Dek-on der Substantive 3.Wiederholung 4.Die schwache und weibliche Dek-on der Substantive.	Üb 8-10 Bildung der Zusam-en Substantive. Die Dek-on der Eigennamen	2 2 2	
3	Stunde 3	1.Text: Die Schule 2.Neue Vokabeln 3.Die sich-Verben 4.Der Imperativ.	Text zum lesen. „Ein Brief“ Üb 6-7 Regel	2 2 2	
4	Stunde 4	1.Text: Unsere Familie. 2.Neue Vokabeln 3.Die Personalpronomen 4.Die Passessivpronomen	Text: „Das Studium“ Üb 1-3	2 2 2	
5	Stunde 5	1.Text: Mein Arbeitstag. 2.Neue Vokabeln 3.Die Kontrollarbeit.	Text: „Unsere Universität“ Ub. 1-5	2 2	
6	Stunde 6	1.Die Demonstrativpronomen 2.Das Numeralie	Ub. 1-7 Text: „Ein Brief aus Deutschland“	2 2	

**“Алфавит” ва “Унли ва ундош товушлар” мавзусидаги
амалий машғулотнинг
технологик харитаси**

Т/р	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1-босқич	<p>Дарс мақсади: Немис тили алфавити ҳақида маълумот бериш. Унли ва ундош товушларнинг ўқилишини ўргатиш.</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Немис тили алфавитини айтиб бера олади. -Унли ва ундош товушларни тўғри талаффуз қила олади. 	Ўқитувчи
2-босқич	<p>Асосий тушунчалар: Phoneme, vokale, Konsonant, Anlaut, Absatz, Wortbetonung, Stammvokal, lang, kurz.</p> <p>Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳларда ишлаш</p> <p>Воситалар: Тарқатма материаллар, рлакат, китоб, слайдлар ва компьютер</p> <p>Метод ва усуллар: китоб билан ишлаш, кузатиш, тушунтириш ва амалий машқ.</p>	Ўқитувчи 15 минут
3-босқич	<p>Гуруҳда ишлаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> -мавзуга доир машқлар бажарилади -тарқатма материаллар тарқатилади -крассвордлар ечилади -мавзуга доир мустақил гаплар тузилади 	Талаба 15 минут
4-босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Немис тили алфавитида нечта ҳарф бор. - Қандай қўшимча белгилар мавжуд - Фонетик машқлар ечиш. - Товушларни ўқишда фонетик қоидаларга риоя қилиш. - Микрогуруҳлар ва талабалар ишини баҳолаш. 	Ўқитувчи-талаба 40 минут
5-босқич	<p>Умумий якуний хулоса чиқариш:</p> <p>Дарс давомида ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадга эришади. Дарс ноананавий тарзда ўтади. Ўқитувчи талабаларга мустақил иш топшириқлари топширади.</p>	Ўқитувчи 10 минут

1- Амалий машғулот.

Ажратилган вақт: 2-соат.

Мавзу: Алфавит. Унли ва ундош товушлар.

Асосий саволлар:

1. Алфавит ҳақида тушунча
2. а, о унли ва b, d, f, g, k, l, m, n, p, r, t ундош товушларининг ўқилиши

Мавзуга оид тушунча ва иборалар:

Phoneme, Vokale, Konsonant, Anlaut, Absatz, Wortbetonung, Stammvokal, kurz, lang.

Дарс мақсади:

1. Немис тили алфавити ҳақида маълумот бериш.
2. Унли ва ундош товушларнинг ўқилишини ўргатиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1 Немис тили алфавитини айтиб бера олади.
- 1.2 Унли ва ундош товушларни тўғри ўқий олади.

1-Савол баёни

Босма харфлар	Ёзма харфлар	Ҳарфларнинг номлари	Босма харфлар	Ёзма харфлар	Ҳарфларнинг номлари
A a	A a	а	N n	N n	Эн
B b	B b	бэ	O o	O o	о
C c	C c	цэ	P p	P p	пэ
D d	D d	дэ	Q q	Q q	ку
E e	E e	э	R r	R r	эр
F f	F f	эф	S s	S s	эс
G g	G g	гэ	T t	T t	тэ
H h	H h	ха	U u	U u	у
I i	I i	и	V v	V v	фау
J j	J j	йот	W w	W w	вэ
K k	K k	ка	X x	X x	икс
L l	L l	эл	Y y	Y y	ипсилон
M m	M m	эм	Z z	Z z	цет

Немис тили алфавитида 26 та ҳарф бўлиб, ундан **а, е, і, о, u, у** унлилар, қолганлари эса ундошлардир. Немис тилида ҳарфларга нисбатан товушлар сони кўп бўлгани учун улар қуйидаги қўшимча белгилар ёрдамида кўрсатилади.

- а (ä- Umlaut)
- о (ö- Umlaut)
- u (ü- Umlaut)

2-Саволнинг баёни:

Немис тилида унли товушлар чўзиқ ва қисқа талаффуз қилинади. Ҳар бир унли товушнинг қисқа ёки чўзиқ талаффуз этилиши сўз маъносини ўзгартиради.

1. **a, o** унлилари қуйидаги ҳолларда чўзиқ ўқилади:

a) очик бўғинда келса: fra:/ gen, A:/ bend, No:/ te, o:/ ben

b) шартли ёпик бўғинда келса: Та:/g, Та:/ ge, fra'/gt, fra:/ gen

v) унли ҳарфдан кейин келса: fahren, Bahn, ohne, Ohr

g) сўзда қўш унли келса, бир чўзиқ унли каби ўқилади: Saal, Haar, Boot

d) сонор товушидан олдин келса: damals

e) қуйидаги суффиксларда келса – sal, bar,- sam: dankbar, selsam, universal.

1. **a, o** ёпик бўғинда келса: **a, o** унлилари қуйидаги ҳолларда қисқа ўқилади: alle, Land, dort, oft.

2. қўш ундош ёки **ch, tz, ck, ng** ундошларидан олдин келса: Mappe, alle, packen, Stoff, voll.

2. Немисча **b, d, f, g, k, m, n, p, t** ундош товушлари ўзбекча **б, д, ф, г, к, м, н, п, т** ундош товушларининг талаффузидан унчалик фарқ қилмайди.

r, l ундош товушлари озбек тилидаги **р, л** ундошларига қараганда кучлироқ талаффуз қилинади.

p, t, k ундош товушлари сўз бошида келганда кучли (зарб билан) талаффуз этилади: Tante, Karte, Paar.

3. **e** унли товуши сўз охирида урғусиз бўғинда, шунингдек, урғусиз олд қўшимчаларда келганда билинар билинмас талаффуз қилинади: kommen, oben, Gebirge.

Назорат саволлари ва топшириқлари:

1. Қуйидаги сўзларнинг талаффузига эътибор бериб ўқинг.

[a:]	[a]	[o:]	[o]
Bahn	Mann	Ofen	Ort
Abend	bald	Note	Front
Malen	Tante	Lohn	Flotte
Haar	kalt	ohne	Gold

2. Чўзиқ унли товушли сўзларни бир қаторга, қисқа унли товушли сўзларни иккинчи қаторга қўчириб ёзинг.

alt, Ball, Tafel, Mutter, ohne, Land, alle, raten, dort, Boot

3. Жуфт унлиларни ўқинг, чўзиқ [a:] ва қисқа [a] унлиларининг сўз маъносини ўзгартиришига эътибор беринг.

Ahn – an	kam – Kamm
Aal – all	Saat – satt
Wahl – Wall	Gas – Gast

Мустақил иш топшириқлари:

1. Қуйидаги сўзларнинг талаффузига эътибор бериб ўқинг.

[a:]	[a]	[o:]	[o]
------	-----	------	-----

Fragen	Mappe	Note	Ort
Tag	Alt	Boot	kommen
Fahne	Land	oben	oft
aber	Karte	ohne	offen
Paar	kann	oder	dort

2. Жуфт сўзларни ўқинг, чўзиқ [o:] ва қисқа [o] унли товушларининг сўз маъноларини ўзгартиришига эътибор беринг:

Ofen – offnen	Wohle – Wolle
Sohlen – sollen	Boden – Bodden
Wohnen – Wonnen	Rose – Rosse

3. Қуйидаги гапларни тез айтишга машқ қилинг.

Fischer Fritz fischt frische Fische.

Frische Fische fischt Fischer Fritz.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. S. Saidow “Deutsche Grammatik in Mustern” Taschkent 1990.
2. S. B. Toschew “Deutsch” Taschkent 1994.
3. K. Tanikulova “Deutsch” Taschkent 2002.
4. A. B. Abdullayeva “Deutsch” Taschkent 2009.

“ch (Ach-Laut) ва ch (Ich-Laut)”, “Umlaut” мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик харитаси

т/р	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1-босқич	<p>Дарс мақсади: ch (Ach-Laut) ва ch (Ich-Laut)нинг сўзларда талаффуз қилинишини ўргатиш. Умлаут ҳақида умумий тушунча бериш.</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> -ch (Ach-laut) ва ch (Ich-Laut)ни сўзларда тўғри талаффуз қила олади.. - Талаффузда уларни бир-биридан ажрата олади. - Умлаут ҳақида айтиб бера олади. 	Ўқитувчи
2-босқич	<p>Асосий тушунчалар: das Wort, die Übung, hören, der Text, das Vokabelheft, erklären, nennen, Laut, die Aussprache, achten.</p> <p>Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳларда ишлаш</p> <p>Воситалар: Тарқатма материаллар, плакат, китоб, слайдлар ва компьютер</p> <p>Метод ва усуллар: китоб билан ишлаш,</p>	Ўқитувчи 15 минут

	кузатиш, тушунтириш ва амалий машқ.	
3-босқич	Гуруҳда ишлаш: -мавзуга доир машқлар бажарилади -тарқатма материаллар тарқатилади -крассвордлар ечилади -мавзуга доир мустақил гаплар тузилади	Талаба 15 минут
4-босқич	Мустақамлаш ва баҳолаш учун саволлар: - Ch ҳарфлар бирикмаси қачон қандай талаффуз қилинади - Немис тилидаги ўзбек тилида учрамайдиган унли товушлар. - Товушларни ўқишда фонетик қоидаларга риоя қилиш. - Микрогуруҳлар ва талабалар ишини баҳолаш.	Ўқитувчи- талаба 40 минут
5-босқич	Умумий якуний хулоса чиқариш: Дарс давомида ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадга эришади. Дарс ноананавий тарзда ўтади. Ўқитувчи талабаларга мустақил иш топшириқлари топширади.	Ўқитувчи 10 минут

2-Амалий машғулот

Ажратилган вақт: 2 соат.

Мавзу: Ch (Ach -Laut)нинг ўқилиши, ch (Ich -Laut) нинг ўқилиши.

Umlaut.

Асосий саволлар:

1. ch (Ach-Laut) ва ch (Ich -Laut)нинг ўқилишини тушунтириш.
2. Umlaut ҳақида тушунча бериш.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Das Wort, die Übung, hören, der Text, das Vokabelheft, erklären, nennen, Laut, die Aussprache, achten.

Дарс мақсади:

1. ch (Ach-Laut) ва ch (Ich -Laut)нинг гапларда ишлатилишини ўргатиш.
2. Umlaut ҳақида умумий тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1.ch (Ach-Laut) ва ch (Ich -Laut) ни гапларда тўғри талаффуз қила олади.
- 1.2.Umlaut ҳақида айтиб бера олади.
- 1.3.Umlaut лар ёрдамида гаплар туза олади.

1- Асосий саволнинг баёни:

Немис тилидаги **c** ундоши **h** ундоши билан **ch** ҳарфлар бирикмасини ясади ва қуйидагича талаффуз қилинади:

1. **ch** ҳарфлар бирикмаси **a, o, u** унлиси ёки **au** дифтонгидан кейин келса, ўзбек тилидаги қаттиқ “**х**” дек ўқилади. Бу товуш **Ach- Laut** деб аталади. **machen, Loch, Buch, auch**

2. **ch** ҳарфлар бирикмаси **i, e, ei, a, o, u** дан кейин келса ўзбекча ҳил-ҳил сўзидаги “**х**”каби ўқилади. Бу товуш **Ich –Laut** деб аталади. **Ich, echt, leicht, Fächer, Bücher**

ig суффикси сўз охирида келса беҳи сўзидаги **х** каби ўқилади: **fertig, richtig, Leipzig**.

Назрат саволлари ва топшириқлари:

1. Ўқиш қондасига эътибор бериб ўқинг.

[ch]-[x]	[ch]-[c]	[ig]-[ic]
acht	ich	richtig
Tuch	recht	wichtig
Buch	Tochter	lustig
machen	euch	fertig
Sache	Madchen	fleissig

2. Саволларга жавоб беринг.

а). **ch** ҳарфлар бирикмаси қандай ўқилади?

в). **–ig** суффикси қандай талаффуз қилинади?

с). Сиз нечта унли товушни биласиз?

д). **w** ва **f** ҳарфлари қандай товушларни ифодалайди?

3. Қуйидаги гапни тез айтишни машқ қилинг.

Der Richter richtet richtig.

Мустақил иш топшириқлари:

1.–**ch** ва **–ig** ҳарф бирикмаларини юмшоқ [c] товуши билан талаффуз этинг.

mich	echt	niedrig
dich	recht	tuchtig
brechen	hecht	wichtig
stechen	leicht	machtig

2.Берилган сўзлардаги **ch** ҳарфлар бирикмасини қаттиқ [x] товуши билан талаффуз этинг.

Nacht	koch	Buch
Macht	doch	Tuch
acht	noch	sucht

3. Ахлаут [x] ва ихлаут [c] товушларини таққосланг.

Fach – Facher	Dach – Dacher	Bach - Bache
Nacht – Nachte	Macht – Machte	Schacht – Schachte

2- Савол баёни:

Немис тилида ўзбек тилида учрамайдиган унли товушлар ҳам бор. Улар куйидаги белгилар ёрдамида кўрсатилади:

a (ä- Umlaut)

o (ö- Umlaut)

u (ü- Umlaut)

a, o, u унлиларининг устига қўйиладиган диакритик белги шу унлиларнинг бошқача талаффуз этилишини ифодалаши билан бир қаторда сўз, форма яшаш ва сўз маъносини ўзгартириш вазифаларини ҳам бажаради.

a (ä- Umlaut) ҳарфи ўзбек тилидаги [э] товушидек талаффуз этилади. Немис тилида бу товуш қисқа ёки чўзиқ ўқилади.

ä умлаут **ah** ҳарфлар бирикмасида, шунингдек очик ва шартли ёпик бўғинда чўзиқ талаффуз этилади. Масалан: erzählen, hängen, nähen, Bär.

o (ö- Umlaut) ҳарфи чўзиқ [о:] ва қисқа [а] бўлиб, ўзбек тилидаги “ў” ҳарфига ўхшаб талаффуз этилади. Масалан: Söhne können

Öfen	öffnen
Höfe	Hölle

u (ü- Umlaut) ҳарфи “уюм” сўзидаги [у] товушига бироз ўхшайди. У чўзиқ [у:] ва қисқа [у] тарзида талаффуз этилади. Масалан: müde müssen

fühlen	Mütter
--------	--------

Назорат саволлари ва топшириқлари:

1. **ä** унлисининг чўзиқ ёки қисқа талаффуз этилишига эътибор бериб сўзларни ўқинг

[]	[]
Rader mahen	Ganse Bander
Bader nahen	Safte Rander
Vater Baren	Bande Manner
Kafer Laden	Hande Starke

2. **ö** унлисининг чўзиқ ёки қисқа талаффузига эътибор бериб сўзларни ўқинг.

[]	[]
Lowe losen	Stoche Dorfer
Tone horen	Rocke Worter
schone schworen	mochte Tochter
Vogel Konig	Kopfe Volker

3. **ü** унлисининг чўзиқ ёки қисқа талаффуз этилишига эътибор бериб, куйидаги сўзларни ўқинг.

[y:]	[y]
uben Mude	fuhe buckt

uber	Dune	fühlen	schützt
ubrig	Fusse	führen	Turme
ublich	Grusse	Muhle	mussen
ubrigens	Schuler	Stuhle	kussen

4.Қуйидаги гапни тез айтишни машқ қилинг.

Der Backer backt Brot

Brot backt der Backer.

Мустақил иш топшириқлари:

1. Матндаги гапларнинг оҳангига эътибор бериб, **а, о, u** унлилари ва **ch** бирикмасини тўғри талаффуз қилинг.

Die weisse Schnee

Am 8. März bringen die Töchter in ihrem Korbchen Schneeglockchen und schenken sie der Mutter.

“Schönen Dank für die Schneeglockchen,” sagt die Mutter. “Kennt ihr ein Märchen über das Schneeglockchen?” fragt sie ihre Töchter. Die beiden Töchter kennen dieses Märchen nicht. Sie hören aber Märchen sehr gern.

Die Mutter erzählt. “... “ In alten Zeiten hatte der Schnee keine Farbe, er brauchte aber eine Farbe. Da ging er zum Gras, zum Veilchen, und zum Roslein. Sie lachten ihn aus und sagten: “Geh nur weiter!” der Schnee kam zu dem Schneeglockchen und bat: “Gib mir deine Farbe!” das Schneeglockchen gab dem Schnee seine Farbe. So ist jetzt der Schnee weiss.

2. Матнни ифодали ўқинг.

3. Матндаги умлаутли сўзларни дафтарингизга ёзиб олинг.

4. Луғат ёрдамида уларнинг таржимасини топинг.

Мавзуга оид адабиётлар:

5. S. Saidow “Deutsche Grammatik in Mustern” Taschkent 1990.

6. S. B. Toschew “Deutsch” Taschkent 1994.

7. K. Tanikulova “Deutsch” Taschkent 2002.

8. A. B. Abdullayeva “Deutsch” Taschkent 2009.

“Die Aussagesatz” ва “Affrikaten” мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик харитаси.

т/р	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1- босқич	Дарс мақсад: Немис тилидаги дарак гаплар ҳақида маълумот бериш. Аффрикатларни сўзларда тўғри талаффуз қилишни ўргатиш. Идентив ўқув мақсадлар:	Ўқитувчи

	<p>-Немис тилида дарак гаплар ҳақида айтиб бера олади..</p> <p>- Сўзлардан дарак гаплар ҳосил қила олади.</p> <p>- Дарак гап турларини фарқлай олади.</p> <p>-Аффрикат ҳақида маълумотга эга бўлади.</p> <p>- Аффрикатларни тўғри талаффуз қила олади.</p>	
2- босқич	<p>Асосий тушунчалар: Unterscheiden, die Mitteilung, die Feststellung, der Aussagesatz, das Subjekt, das Prädikat, das Nebenglied, stehen, die Wortfolge.</p> <p>Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳларда ишлаш</p> <p>Воситалар: Тарқатма материаллар, плакат, китоб, слайдлар ва компьютер</p> <p>Метод ва усуллар: китоб билан ишлаш, кузатиш, тушунтириш ва амалий машқ.</p>	Ўқитувчи 15 минут
3- босқич	<p>Гуруҳда ишлаш:</p> <p>-мавзуга доир машқлар бажарилади</p> <p>-тарқатма материаллар тарқатилади</p> <p>-крассвордлар ечилади</p> <p>-мавзуга доир мустақил гаплар тузилади</p>	Талаба 15 минут
4- босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <p>- Немис тилида дарак гаплар неча турга бўлинади.</p> <p>- Тўғри сўз тартибли дарак гапларда сўз тартиби қандай..</p> <p>- Гаплар тузишда грамматик қоидаларга риоя қилиш.</p> <p>- Микрогуруҳлар ва талабалар ишини баҳолаш.</p>	Ўқитувчи- талаба 40 минут
5- босқич	<p>Умумий якуний хулоса чиқариш:</p> <p>Дарс давомида ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадга эришади. Дарс ноананавий тарзда ўтади. Ўқитувчи талабаларга мустақил иш топшириқлари топширади.</p>	Ўқитувчи 10 минут

3- Амалий машғулот

Ажратилган вақт 2 соат.

Мавзу: Der Aussagesatz. Affrikaten.

Асосий саволлар:

1. Дарак гап ҳақида тушунча.
2. Аффрикатлар ҳақида тушунча бериш.

Мавзуга оид тушунча ва иборалар:

Unterscheiden, die Mitteilung, die Feststellung, der Aussagesatz, das Subjekt, das Prädikat, das Nebenglied, stehen, die Wortfolge.

Дарс мақсади:

1. Немис тилидаги дарак гаплар ҳақида маълумот бериш.

2. Аффрикатларни сўзларда тўғри талаффуз қилишни ўргатиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Немис тилида дарак гаплар ҳақида айтиб бера олади.

1.2. Сўзлардан дарак гаплар туза олади.

1.3. Дарак гап турларини фарқлай олади.

2.1. Аффрикатлар ҳақида маълумотга эга бўлади.

2.2. Аффрикатларни тўғри талаффуз қила олади.

1- Саволнинг баёни:

Дарак гаплар нарса-предмет воқеа-ходиса ҳақида хабар беради. Дарак гаплар тартиб жиҳатидан тўғри ва тескари сўз тартибли дарак гапларга бўлинади.

Тўғри сўз тартибли дарак гапларда биринчи ўринда эга, иккинчи ўринда кесим, учинчи ўринда эса иккинчи даражали бўлак келади.

Rano und Barno gehen ins Kino. Раъно ва Барно кинога борадилар.

Тескари сўз тартибли дарак гапларда биринчи ўринда иккинчи даражали бўлак, иккинчи ўринда кесим, учинчи ўринда эса эга келади.

Ins Kino gehen Rano und Barno. Кинога Раъно ва Барно борадилар.

Назорат саволлари ва топшириқлари:

1. Саволларга жавоб беринг.

а) Дарак гапларда қандай сўз тартибларини биласиз?

в) Дарак гапларда кесимнинг ўзгарадиган қисми қаерда туради?

2. Қуйидаги гапларнинг сўз тартибини аниқланг.

1. Lena und Barno leben in Taschkent.

2. In Berlin leben Otto und Alex.

3. Sie lernen Russisch.

4. Sie lernen Russisch gern.

3. Қуйидаги сўзлар ёрдамида дарак гаплар тузинг.

1. Der Lehrer, das Buch, lesen. 2. Der Student, die Zeitung, nehmen. 3.

Der Schuler, die Aufgabe, machen. 4. das Kind, der Kindergarten, besuchen.

Мустақил иш топшириқлари:

1. Қуйидаги гапларнинг сўз тартибини аниқланг.

1. Ich wohne weit von der Hochschule. 2. In die Hochschule fahre ich mit dem Bus. 3. Zum Unterricht komme ich immer rechtzeitig. 4. Ich studiere die deutsche Sprache. 5. In der Stunde sprechen wir nur deutsch. 6. der Lehrer erklärt uns neue Vokabeln.

2. Қуйидаги гапларни тўғри сўз тартибли дарак гапларга айлантиринг.

1. Nach dem Stunden gingen wir ins Museum. 2. Im Juli fährt meine Mutter in den Kaukasus. 3. Heute haben wir eine Kontrollarbeit. 4. In diesem Jahr absolvieren wir die Schule. 5. An den Wänden hängen Bilder und Losungen. 6. Die Fremdsprachen studieren wir gern. 7. Sonntags besuchen wir das Theater.

3. Таржима қилинг.

1. Мен мактабда ўқийман.

2. Отам заводда ишлайди.

3. Равшан тиришқоқ.
4. У Фарғонага боради.
5. Улар боғда ўйнаяпти.
6. Онам врач.

2-Савол баёни:

1. Икки ёки ундан ортиқ ундошларнинг қўшилиб, биргаликда талаффуз этилишига аффрикат дейилади. Немис тилида қуйидаги аффрикатлар мавжуд: pf [pf]; z, tz, ts, - ti –[ts]; tsch [tʃ]. [pf] аффрикати ўзбек тилида йўқ.

[pf] аффрикати ёзувдв ҳам pf шаклида ифодаланади. Масалан: Pferd, Pfahl, Kampf, dampf, Kopf.

[ts]аффрикати “Цемент” сўзидаги [ц] товушидек талаффуз этилади. Ёзувда у z ёки ts, tz билан ифодаланади. Масалан: Zeit, Ratsel, sitzen.

[tʃ] аффрикати ёзувда tsch ҳарфлар бирикмаси билан ифодаланади ва ўзбек тилидаги [ч] товушидек талаффуз этилади Масалан: Deutsch, klatsch, Matsch.

2.ph бирикмаси ўзбек тилидаги [ф] ундоши каби талаффуз этилади. Масалан: Phonetik, Philologie, Epitaph.

th ундошлар бирикмаси ўзбек тилидаги [т] товуши каби талаффуз этилади. Масалан: Thema, Theorem, Thematik.

Назорат саволлари ва топшириқлари:

1. Қуйидаги сўзларнинг таркибидаги аффрикатларни талаффуз этиш қоида­сига биноан ўқинг.

Pfahl	Zahn	Rutsch	matschen
Pfeife	Zahl	Putsch	tatschen
Zupfen	kurz	Deutsch	hatschen
Tapfen	stolz	Klatsch	fletschen
Kampf	Satz	Kitsch	lutschen
Dampf	Platz	Matsch	klatschen

2. **ph** ва **th** бирикмаларининг ўқилишига эътибор бериб, қуйидаги сўзларни талаффуз қилинг.

Thema	Bibliothek	Phoneme
Thematik	Mathematik	Phusik
Methode	Phonologie	Phase

3. Қуйидаги тез айтишни машқ қилинг.

Paul tragt auf dem Kopf
einen kupfernen Topf.
Einen kupfernen Topf
Tragt Paul dem Kopf

Мустақил иш топшириқлари:

1.Саволларга жавоб беринг?

1. Аффрикат нима?
2. **sch** ҳарфлар бирикмаси қандай ўқилади?
3. **tsch** ҳарфлар бирикмаси қандай ўқилади?
4. **tz, pf, th** ҳарфлар бирикмаси қандай талаффуз қилинади?

2.Нукталар ўрнига **pf, z, tz, -ti, -tsch** бирикмаларидан мосини кўйиб сўзларни кўчиринг.

Kam... , Ko ... , tan ... en, Sa ... , ... ahn, ... ahl, Deu ... , Dam ... , Ma ... , Pla ... , Revolu ... on, ... eit, Na ... on, kla ... , Ak ... on.

3.Куйидаги сўзлардаги ph ва th бирикмаларини тўғри талаффуз қилиб ўқинг.

Phonetik, Thema, Philologie, Theorem, Philosophie, Phusik, Mathematik, Phase, Phonem, Bibliothek.

4.Матндан аффрикатли сўзларни дафтарингизга кўчириб ёзинг ва таржима қилинг.

Мавзуга оид адабиётлар:

9. S. Saidow “Deutsche Grammatik in Mustern” Taschkent 1990.

10.S. B. Toschew “Deutsch” Taschkent 1994.

11.K. Tanikulova “Deutsch” Taschkent 2002.

12.A. B. Abdullayeva “Deutsch” Taschkent 2009.

“Сўроқ гап” ва “Дифтонг” мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик харитаси.

т/р	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1-босқич	<p>Дарс мақсад: Сўроқ гап ва унинг турларини ўргатиш. Дифтонг ҳақида маълумот бериш.</p> <p>Идентив ўқув мақсадлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Немис тилида сўроқ гаплар ва уларнинг турлари ҳақида айтиб бера олади.. - Сўзлар ёрдамида сўроқ гаплар ҳосил қила олади. -Дифтонг ҳақида маълумотга эга бўлади. - Дифтонгларни тўғри талаффуз қила олади. 	Ўқитувчи
2-босқич	<p>Асосий тушунчалар: der Fragesatz, unterscheiden, das Fragewort, das Verb, das Subjekt, was, wo, wer, wann, wohin.</p> <p>Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳларда ишлаш</p> <p>Воситалар: Тарқатма материаллар, плакат, китоб, слайдлар ва компьютер</p> <p>Метод ва усуллар: китоб билан ишлаш, грамматик ўйинлар, кузатиш, тушунтириш ва амалий машқ.</p>	Ўқитувчи 15 минут
3-босқич	Гуруҳда ишлаш:	

	<ul style="list-style-type: none"> - - Мавзунинг янги сўзларини такрорлайди. - Структура ёрдамида мустақил гаплар тузади. - Карточкада ёзилган гаплардаги грамматик хатоларни топади. - Расмларда келтирилган иш ҳаракатлардан гаплар тузади. <p>Берилган саволларга жавоб беради.</p>	Талаба 15 минут
4-босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Weiche Arten der Fragesatze unterscheidet man im Deutschen? -Wie ist die Wortfolge im Fragesatz mit Fragewort? - Wie ist die Wortfolge im Fragesatz ohne Fragewort? -Welche Diftongen gibt es im Deutsch? 	Ўқитувчи-талаба 40 минут
5-босқич	<p>Умумий якуний хулоса чиқариш:</p> <p>Дарс давомида ўқитувчи ўз олдида қўйган мақсадга эришади. Дарс ноананавий тарзда ўтади. Ўқитувчи талабаларга мустақил иш топшириқлари топширади.</p>	Ўқитувчи 10 минут

4-Амалий машғулот

Ажратилган вақт: 2 соат.

Мавзу: Сўроқ гап. Дифтонг.

Асосий саволлар:

1. Сўроқ гап ҳақида тушунча бериш.
2. Дифтонг ва уларнинг турлари ҳақида маълумот бериш.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Der Fragesatz, unterscheiden, das Fragewort, das Verb, das Subjekt, das Nebenglied, stehen, wer, was, wo, wem, wen, wohin, wann, warum.

Дарс мақсади:

1. Сўроқ гап ва унинг турларини ўргатамиз.
2. Дифтонг ҳақида маълумот берамиз.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Сўроқ гап ва унинг турлари ҳақида айтиб бера олади.
2. Сўзлар ёрдамида сўроқ гаплар туза олади.
3. Дифтонгларни тўғри талаффуз қила олади.
4. Уларни гапларда тўғри қўллай олади.

1-Савол баёни:

Сўроқ гаплар немис тилида иккига бўлинади: сўроқ сўзсиз сўроқ гаплар ва сўроқ сўзли сўроқ гаплар. Сўроқ сўзсиз сўроқ гапларда биринчи ўринда кесим, иккинчи ўринда эга ва учинчи ўринда иккинчи даражали бўлак келади. Гапнинг охирига сўроқ белгиси қўйилади.

Масалан:

Gehen Rano und Barno ins Kino?

Раъно ва Барно кинога борадиларми?

Ist das Otto?

Бу Оттоми?

Сўроқ сўзли сўроқ гапларда биринчи ўринда сўроқ сўз, иккинчи ўринда кесим, учинчи ўринда эса эга, ундан кейин иккинчи даражали бўлак келади. Сўроқ сўз сифатида wer, was, wem, wen, wo, wohin, wann, warum каби сўзлар келиши мумкин. Wer? Was? Сўроқ сўзларидан кейин феъл 3-шахс бирликда туради.

Wer kommt? Ким келяпти?

Was ist das? Бу нима?

Назорат саволлари ва топшириқлари:

1. Қуйидаги гаплардан сўроқ сўзсиз сўроқ гаплар тузинг.

1. Das ist Marta. 2. Das ist Barno. 3. Sie leben in Samarkand. 4. Sie lernen.
5. Sie lernen gut. 6. Das sind Anna und Lena. 7. Hasan lernt gut. 8.
Marta ist in Berlin.

2. Ифодали ўқинг.

Was ist das?

Das ist ein Zimmer.

Wie ist das Zimmer?

Das Zimmer ist hell.

Wer wohnt hier?

Wir wohnen hier.

Was ist das?

Das ist ein Bild.

Ist das Zimmer klein?

Nein, das Zimmer ist gross.

3. Ажратиб кўрсатилган сўзларни wer? was? wo? сўроқ сўзлари билан алмаштириб ёзинг.

1. *Sie* lernt gut. 2. *Der Lehrer* fragt. 3. *Das Fenster* ist gross. 4. *Das Zimmer* ist hell. 5. Sie sind *hier*. 6. *Sie* ist krank. 7. *Der Lehrer* wohnt hier. 8. Sie leben *in Berlin*. 9. *Lola* fehlt heute.

Мустақил иш топшириқлари:

1. Қуйидаги гапларни сўроқ сўзсиз сўроқ гапларга айлантинг.

1. Der Horsaal ist gross. 2. Wir lernen hier. 3. Der Lehrer kommt in den Horsaal. 4. Er fragt. 5. Alle antworten gut. 6. Mastura hat eine Frage. 7. Sie ist krank. 8. Der Horsaal ist gross. 9. Hier lernen wir.

2. Тепада 1- топшириқдаги тагига чизилган сўзларга саволлар қўйиб, гапларни сўроқ сўзли сўроқ гапларга айлантинг.

3. Сўзларни ўрнига қўйиб сўроқ гаплар тузинг.

1. Du, ins Institut, gehen, morgen, wann?

2. Wer, schon, ein Jahr, arbeiten, im Werk?
3. Jetzt, gehen, die Studenten, wohin?
4. Du, wo, studieren?
5. Er, heissen, wie?

2-Савол баёни:

Иккита унли товушнинг бир-биридан ажралмасдан бир бўғинда талаффуз этилишига дифтонг дейилади. Немис тилида [a] – ай, [ao] ау, [] ой дифтонглари мавжуд. Дифтонг таркибидаги иккинчи унли биринчисига нисбатан қисқа талаффуз этилади.

[ae] дифтонги ei, au, eu, ai унли ҳарфлари бирикмаси кўринишида ёзилади. Масалан: ein, Mayer, Meyer, Mai.

[ao] дифтонги au унлиларининг бирикмаси сифатида ифодаланади. Масалан: Haus, Paul, Maul.

[] дифтонги eu, au ҳарфлар бирикмаси, инглиз тилидан кирган сўзларда эса оу бирикмаси кўринишида берилади. Масалан: Leute, heute, Mause, Baume, Boy.

Назорат саволлари ва топшириқлари:

1. Дифтонгларнинг талаффуз этилишига эътибор бериб, қуйидаги сўзларни ўқинг.

[ae]

ein	mein	rein	zwei	Mai
Eid	dein	klein	drei	Weise
Eis	sein	Bein	Brei	Mayer
eigen	kein	leiten	bei	Meyer

[ao]

Auto	Haus	faul	Gaul	schlau
Aula	Maus	Paul	Maul	genau
Auge	Laus	kaum	Bauch	Frau
Auftakt	Raum	Baum	Rauch	grau

[]

euch	Leute	neu	aussern
Eule	heute	Heu	Baume
Eugen	Beute	true	Traume
Europa	Freund	Scheu	Boykott

2. Қуйида келтирилган шеърни дифтонгларга эътибор бериб ифодали ўқинг.

Die fremde Sprache
 Lenst du eine fremde Sprache,
 Werden deine Augen grosser

deine Ohren spitzer
deine Fusse schneller
deine Hande begreifen das Fremde,
es wird ihnen vertraut.
Lernst du eine fremde Sprache,
Wachsen dir zwei Flugel.

3.Шеърни ёд олинг.

Мустақил иш топшириқлари:

1. Дифтонгларни тўғри талаффуз қилиб, ушбу мақолларни ўқинг.
Morgen, morgen, nur nicht heute,
Sagen alle faulen Leute.

Träume sind Scheume.

Heute mir, morgen dir.

Mai, kuhl und nass,
fullt dem Bauer Scheune und Fass.

Mit Strick fängt man Mause.

Ein guter rat ist teuer.

2.Сўзлардаги нуқталар ўрнига ai, ei, au, eu, au, eu, au дифтонгларидан
мосини кўйиб
кўчиринг.

M ... , R ... me, d ... n, M ... er, H ... s, h ... te, R ... m, L ... te, b Me, m
... n, mock ... , Tr ... me, Fr , Ropa.

3.Қуйидаги гапни тез айтишни машқ қилинг.

Zwischen zwei Steinen
Zwischen zwei Schlangen.

Мавзуга оид адабиётлар:

- 13.S. Saidow “Deutsche Grammatik in Mustern” Taschkent 1990.
- 14.S. B. Toschew “Deutsch” Taschkent 1994.
- 15.K. Tanikulova “Deutsch” Taschkent 2002.
- 16.A. B. Abdullayeva “Deutsch” Taschkent 2009.

Модул бўйича якуний хулосалар:

1. Немис тили алфавитида 26 та ҳарф бўлиб, ундан а, е, і, о, и, у унлилар, қолганлари эса ундошлардир.
2. Немис тилида ҳамма отлар бош ҳарфлар билан ёзилади.

3. Немис тилида дарак гапларда феъл-кесим ёки боғлама ҳамма вақт иккинчи ўринда келади.
4. Қўшилиб келган қўш унли ҳарфлар бирикмаси дифтонг деб аталади. Улар бўғинларга бўлинмайди.
5. Сўроқ сўзли сўроқ гапларда кесим ҳар доим иккинчи ўринда келади.
6. Немис тилида ўзбек тилида учрамайдиган унлилар ҳам бор. Улар умлаутли унлилардир.

Назорат саволлари:

1. Саволларга жавоб беринг:

1. Дарак гапларда қандай сўз тартибини биласиз?
2. Дарак гапларда кесимнинг ўзгарадиган қисми қаерда туради?
3. Сўроқ сўзсиз сўроқ гапларда-чи?
4. Сўроқ сўзли сўроқ гапларда кесим нечанчи ўринда туради?
5. Дифтонг нима ва улар нечта?
6. Сиз нечта унли товушларни биласиз?
7. Унли товушлар қайси ҳолларда чўзиқ талаффуз қилинади?
8. Унли товушлар қайси ҳолларда қисқа талаффуз этилади?
9. Умлаут нима?

III. Қуйидаги сўз ва бирикмаларни таржима қилинг ва улар иштирокида содда гаплар тузинг.

1. das –
2. leben -
3. in Berlin –
4. und –
5. sie –
6. gut –
7. ja –
8. lernen –
9. Guten Morgen –
10. Guten Tag –
11. Guten Abend –
12. Tschüß –
13. Hallo –
14. Auf Wiedersehen –

IV. Суҳбатни ўқинг ва ўзбек тилига таржима қилинг.

Sardor: Guten Tag!

Akmal: Guten Tag!

Sardor: Ich heiÙe Sardor, Sardor Olimow. Und wie heiÙt du?

Akmal: Akmal Oripow.

Sardor: Woher kommst du?

Akmal: Ich komme aus Chiwa.
Sardor: Aus Chiwa? Ich komme auch aus Chiwa! Und wie alt bist du?
Akmal: Ich bin 17 Jahre alt.
Sardor: Und ich bin 18 Jahre alt. Was bist du? **Akmal:** Ich bin Student.
Sardor: Ich bin auch Student. Und wo studierst du?
Akmal: Ich studiere an der Taschkenter Staatlichen Agrarien Universität. Ich werde Agronom. Und du?
Sardor: Ich studiere an der Usbekischen Staatlichen Weltsprachenuniversität und werde Dolmetscher.

Матнга изох

kommen - келмоқ, етиб келмоқ; **Er kommt bald.** У тез орада келади. **Er kommt aus Bekabad.** У Бекободлик (Унинг туғилган жойи Бекобод).

Ich bin 17 Jahre alt.-Мен 17 ёшдаман.

Was bist du? - Сенинг касбинг нима? Касб сўралаётганда фақатгина was олмоши ишлатилади.

Woher? - Қаердан?

Ich werde Agronom. (Dolmetscher) - Мен агроном (таржимон) бўламан (ёки: бўлиб етишаман).

Тавсия қилинган адабиётлар:

1. S. Saidow “Deutsche Grammatik in Mustern” Taschkent 1990.
2. S. B. Toschew “Deutsch” Taschkent 1994.
1. K. Tanikulova “Deutsch” Taschkent 2002.
2. A. B. Abdullayeva “Deutsch” Taschkent 2009.
3. O. Jumaniyozov, R. Allayarova, X. Ismailova “Deutsch” –Т.: О’қитувчи, 1997.
4. M. Mamatow „Deutsch für Hochschulen“-ТДЮИ, 2002.
5. Завьялова В., Ильина Л. Практический курс немецкого языка.-М.: ЧеРо, 2000.
6. Buscha J., Helbig G. Übungsgrammatik Deutsch. –Berlin; München: Langenscheidt, 2000.

Модул – 2

“Der Artikel” ва “Die Klasse” мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик харитаси.

т/р	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1-босқич	Дарс мақсади: Артикль ҳақида маълумот бериш. Тўғри ўқиш техникасига эътиборни қаратиш.	Ўқитувчи

	<p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Немис тилида артикль ҳақида айтиб бера олади.. - Матн нима ҳақида эканлигини айта олади.. - Дарак гап турларини фарқлай олади. -Матнни луғат ёрдамида таржима қила олади. 	
2-босқич	<p>Асосий тушунчал: das Zimmer, die Tafel, die Mappe, hell, das Bild, die Tur, hier, gross, klein.</p> <p>Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳларда ишлаш</p> <p>Воситалар: Тарқатма материаллар, плакат, китоб, слайдлар ва компьютер</p> <p>Метод ва усуллар: китоб билан ишлаш, кузатиш, тушунтириш ва амалий машқ.</p>	Ўқитувчи 15 минут
3-босқич	<p>Гуруҳда ишлаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> -мавзуга доир машқлар бажарилади -тарқатма материаллар тарқатилади -крассвордлар ечилади -мавзуга доир мустақил гаплар тузилади 	Талаба 15 минут
4-босқич	<p>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Was bezeichnet der Artikel? - Welche Arten des Artikels gibt es?. - Wie ist die Pluralform des Artikels? - Welchen Artikel nennt man den unbestimmten? - Steht vor dem Substantiv, von dem wir zum erstenmal sprechen, der bestimmte oder unbestimmte Artikel? 	Ўқитувчи-талаба 40 минут
5-босқич	<p>Умумий якуний хулоса чиқариш:</p> <p>Дарс давомида ўқитувчи ўз олдига кўйган мақсадга эришади. Дарс ноананавий тарзда ўтади. Ўқитувчи талабаларга мустақил иш топшириқлари топширади.</p>	Ўқитувчи 10 минут

5-Амалий машғулот

Ажратилган вақт: 2 соат

Мавзу: Der Artikel.

Text: Die Klasse.

Асосий саволлар:

1. Артикль ҳақида тушунча
2. Матнни ўқиш ва таржима қилиш
3. Оғзаки нутқда Die Klasse матни бўйича нутқ маҳоратини ривожлантириш.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:

Das Zimmer, die Tafel, die Mappe, hell, das Bild, die Tür, nein, hier, gross, klein, blau, weiss.

Дарс мақсади.

1. Немис тилида артикларнинг қўлланилишини ўргатамиз.
2. Тўғри ўқиш техникасига эътиборни қаратиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Немис тилидаги артиклар ҳақида айтиб бера олади.
2. Матн нима ҳақида эканлигини топа олади.
3. Матнни таржима қила олади.

Дарс баёни:

Немис тилида отлар одатда аниқ ёки ноаниқ артикл билан қўлланади. Артикл отларнинг олдида келиб, уларнинг родини, сонини ва келишигини кўрсатади. Агар нарса-предмет сўзловчига номаълум бўлиб, у ҳақида биринчи марта гапирилса от олдида ноаниқ артикл (мужской ва средний род учун –ein, женский род учун eine) қўлланади, кўпликда ноаниқ артикл ишлатилмайди.

Агар нарса-предмет аниқ маълум бўлиб у ҳақда бундан олдин гапирилган бўлса, от олдида аниқ артикл (мужской род учун - der, женский род учун – die, средний род учун - das, кўпликда ҳамма родлар учун – die артикли) ишлатилади. Артиклар ўзбек тилига таржима қилинмайди.

Эслатма:

Отларнинг родини аниқлаш учун луғатдан фойдаланамиз. Луғатда аввал от берилади, отдан кейин m, n, f ҳарфлари берилиб, улар m – maskulinum- мужской род, n – neutrum –средний род, f – femininum- женский родларни билдиради.

Масалан: Mann m – der Mann

Buch n – das Buch

Tür f – die Tür

Text

Das ist ein Zimmer. Das Zimmer ist gross und hell. Das ist ein Fenster. Ist das Fenster gross? Ja, das Fenster ist gross. Das ist eine Tafel. Das ist eine Karte. Ist die Karte gross? Ja, die Karte ist gross. Das ist eine Mappe. Die Mappe ist klein. Das ist ein Bild. Ist das Bild gross? Nein, das Bild ist klein. Das ist eine Tür. Ist die Tür blau? Nein, die Tür ist weiss.

Назорат саволлари ва топшириқлари.

1. Ўқинг.

[f]	[v]	[ts]
Vetter	wieder	ziehen
vier	wenn	zwei
Volk	Welt	Zukunft
vierzehen	Wasser	Zahn
vor	wer	Zelt

2. Нуқталар ўрнига тегишли артиклини қўйинг.

1. Das ist ... Zimmer; ... Zimmer ist hell.
2. Das ist ... Bild; ... Bild ist klein.
3. Das ist ... Mappe; ... Mappe ist hier.
4. Das ist ... Tafel; ... Tafel ist gross.

3. Матндан чўзиқ унли товушли сўзларни бир қаторга, қисқа унли товушли сўзларни иккинчи қаторга кўчириб ёзинг.

4. Қуйида берилган сўзларни артиклига қараб жадвалга жойлаштиринг.
Das Foto, die Bluse, die Schule, der Junge, der Bruder, der Mantel, das Kled, der Hund, die Rose, die Tur das Auto, das Brot, der Sohn, die Tante.

der / ein	die / eine	das / ein
der Bruder	die Bluse	das Auto
ein Bruder	eine Bluse	ein Auto
der Hund	die _____	das _____
ein Hund		

Мустақил иш топшириқлари.

1. Артиклардан мосини қўйинг.

1. Das ist ... Buch. ... Buch ist neu.
2. Hier steht ... Mann. ... Mann ist alt.
3. Ich habe ... Mappe. ... Mappe ist schwarz.
4. Hier steht ... Tisch. ... ist rund.
5. Dort sitzt ... Schuler. ... Schuler liest deutsch.

2. Таянч сўз ва ибораларни қўллаб 5 та гап тузинг.

3. Гапларни таржима қилинг.

1. Хона катта.

2. Бу харита.
 3. Сумка кичкина.
 4. Эшик ҳоворангми?
 5. Хона кичкинами?
5. Саволларга жавоб беринг.
 1. Woruber erzählt man in diesem Text?
 2. Wie ist das Zimmer?
 3. Wie ist die Karte?
 4. Ist die Tür blau?
5. Матнни ифодали ўқийди ва артикларга аҳамият беради.

“Артикларнинг келишикларда турланиши” мавзусидаги амалий машғулотнинг

технологик харитаси.

т/р	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи масъул
1-босқич	<p>Дарс мақсади: Артикларнинг гапларда қўлланилишини ўргатиш Артикларни келишикларда турлашни ўргатиш.</p> <p>Идентив ўқув мақсадлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Немис тилида артикль ҳақида айтиб бера олади. - Артикларни келишикларда турлай олади. - Келишик формаларини оғзаки нутқда тўғри қўллай олади. 	Ўқитувчи
2-босқич	<p>Асосий тушунчалар: der Artikel, das Geschlecht, bestimmten, unbestimmten, mannliche, weibliche, Sachliche.</p> <p>Дарс шакли: Гуруҳ ва микрогуруҳларда ишлаш</p> <p>Воситалар: Тарқатма материаллар, плакат, китоб, слайдлар ва компьютер</p> <p>Метод ва усуллар: китоб билан ишлаш, кузатиш, тушунтириш ва амалий машқ.</p>	Ўқитувчи 15 минут
3-босқич	<p>Гуруҳда ишлаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - мавзуга доир грамматик машқлар бажарилади - тарқатма материаллар тарқатилади - матн ифодали ўқилади ва таржима қилинади. - мавзуга доир мустақил гаплар тузилади 	Талаба 15 минут
4-босқич	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун	

	<p>саволлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Gebraucht man den Artikel im Plural, wenn im Singular der unbestimmte Artikel steht? - Steht der Artikel bei einem pradikativen Substantiv, der einen Beruf bezeichnet? - Steht der Artikel vor Stoffnamen und Abstrakta? - Steht der Artikel bei einem Substantiv mit ohne oder mit als? 	Ўқитувчи-талаба 40 минут
5-босқич	<p>Умумий якуний хулоса чиқариш: Дарс давомида ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадга эришади. Дарс ноананавий тарзда ўтади. Ўқитувчи талабаларга мустақил иш топшириқлари топширади.</p>	Ўқитувчи 10 минут

6- Амалий машғулот.

Мавзу: Артикларнинг келишикларда турланиши.

Ажратилган вақт: 2 соат.

Асосий саволлар:

1. Аниқ артикларнинг келишикларда турланиши.
2. Ноаниқ артикларнинг келишикларда турланиши.

Мавзуга оид таянч тушунчава иборалар:

Der Artikel, das Geschlecht, bestimmten, unbestimmten, männliche, weibliche, Sächliche.

Дарс мақсади:

1. Немис тилида артикларнинг қўлланилишини ўргатамиз.
2. Артикларни келишикларда турлашни ўргатамиз.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Немис тилидаги артиклар ҳақида айтиб бера олади.
2. Артикларни келишикларда турлай олади.

Савол баёни:

Аниқ ва ноаниқ артиклар келишиклар бўйича турланади.

Аниқ артикларнинг турланиши.

Kasus Келишик	Maskulinum Муж.род	Femininum Жен. род	Neutrum Ср. род	Plural Кўплик
Nominative	der	die	das	die
Genitive	des	der	des	der
Dativ	dem	der	dem	den

Akkusativ	den	die	das	die
-----------	-----	-----	-----	-----

Ноаниқ артикларнинг турланиши

Kasus	Maskulinum	Femininum	Neutrum	Plural
	Nominativ	ein	eine	ein
Genitiv	eines	einer	eines	—
Dativ	einem	einer	einem	—
Akkusativ	einen	eine	ein	—

От олдидан эгалик, кўрсатиш, сўроқ олмошларидан бири ёки сон ва “kein” инкор олмоши келса, артикль ишлатилмайди. Масалан:

Mein Bruder ist Arbeiter.

Anora hat drei Kinder.

Ich habe keine Tochter.

Text:

Der Horsaal ist gross und hell. Hier lernen wir. Der Lehrer kommt und sagt: “Guten Tag!” Wir antworten: “Guten Tag!” Der Lehrer fragt: Wer fehlt heute? Wir antworten: “Mastura und Lola fehlen heute”. Sind sie krank? Ja, sie sind krank. Wer fehlt noch? Alle anderen sind da.

Назорат саволлари ва топшириқлари.

1. Нукталар ўрнига аниқ артикль қўйинг.

... Buch, ... Heft, ... Tafel, ... Fenster, ... Tür, ... Tisch, ... Stuhl, ... Student, ... Schuler.

2. Артиклардан мосини қўйинг.

1. Das ist ... Gebäude. ... Gebäude ist hoch. 2. Das ist ... Universität. ... Universität ist gross. 3. Wir haben ... Wohnung. ... Wohnung ist bequem. 4. Dort steht ... Tisch. ... Tisch ist rund.

3. Яширинган сўзларни топинг.

M	U	P	X	E	A	T	S	R	U
A	V	U	W	T	Z	H	O	S	E
N	B	L	U	S	E	M	R	C	O
T	E	L	M	M	R	U	C	H	T
E	R	O	C	K	D	T	X	U	Z
L	B	V	B	R	I	Z	L	H	L
K	L	E	I	D	X	E	P	E	X
U	M	R	N	O	V	Z	P	W	C

das Kleid

die M_____

die H_____

der M_____
die B_____

der P_____
der R_____

die Sch_____

- 4. Қавс ичидаги отларни Akkusativ келишигида қўйинг.
1. Er liest (ein Text). 2. Ich habe (ein Heft) und (ein Buch). 3. Sie hat (ein Bild).
4. Der Lehrer nimmt (ein Buch). 5. Karim hat (ein Heft). 6. Der Lehrer fragt (ein Schuler). 7. Der Student übersetzt (ein Text).

Мустақил иш топшириқлари.

1.Артикларнинг шаклини аниқланг.

- 1. Das ist ein Horsaal.
2. Der Horsaal ist gross und hell.
3. Das ist eine Tafel.
4. Die Tafel ist schwarz.
5. Die Tür ist weiss.
6. Die Klasse hat zwei Fenster.

2.Таржима қилинг.

- 1. Бу сумка. Сумка қора. 2. Булар расмлар. Расмлар чиройли. 3. Бу хона. Хона катта. 4. Бу харита. 5. Бу дафтар. У ҳаворанг.

3.Қуйидаги сўзлар билан гап тузинг.

Der Lehrer, kommen, krank, fragen, heute, wo, sagen, fehlen, noch, da, der Horsaal.

“Die Stunde” мавзусидаги амалий машғулотнинг технологик харитаси.

Table with 3 columns: т/р, Бажариладиган иш мазмуни, Амалга оширувчи Масъул. It contains two rows of lesson plan details.

	кузатиш, тушунтириш ва амалий машқ.	
3-босқич	Гуруҳда ишлаш: -мавзуга доир грамматик машқлар бажарилади -тарқатма материаллар тарқатилади -матн ифодали ўқилади ва таржима қилинади. -мавзуга доир мустақил гаплар тузилади	Талаба 15 минут
4-босқич	Мустаҳкамлаш ва баҳолаш учун саволлар: - Wer kommt? - Wann beginnt die Stunde? - Was machen die Studenten in der Deutschstunde? - Sind die Studenten fleissig? - Wie ist das Heft?	Ўқитувчи-талаба 40 минут
5-босқич	Умумий якуний хулоса чиқариш: Дарс давомида ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадга эришади. Дарс ноананавий тарзда ўтади. Ўқитувчи талабаларга мустақил иш топшириқлари топширади.	Ўқитувчи 10 минут

7-Амалий машғулот.

Мавзу: Die Stunde.

Ажратилган вақт: 2-соат.

Асосий саволлар:

1. Матнни ўқиш ва таржима қилиш.
2. Оғзаки нутқда “Die Stunde” матни бўйича нутқ маҳоратини ривожлантириш.

Мавзуга оид тушунча ва иборалар.

Die Stunde, antworten, beginnen, lesen, schreiben, deutsch, sprechen, diktieren, das Bild, hängen, blau.

Дарс мақсади.

1. Тўғри ўқиш техникасига эътибор бериш.
2. Таржима маҳоратини ривожлантириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1. Матн ким ёки нима ҳақида эканлигини топа олади.
2. Матнни таржима қила олади.

Дарс баёни:

